



## ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТОМОНЛАРНИНГ ЎЗАРО ТОРТИШУВИГА АСОСАН ЮРИТИШДА ТЕРГОВЧИНИНГ ЎРНИ

**Махмадиёрова Хумора Ўктамовна**

ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди  
судья ёрдамчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7115082>

### ARTICLE INFO

Received: 22<sup>nd</sup> September 2022

Accepted: 24<sup>th</sup> September 2022

Online: 27<sup>th</sup> September 2022

### KEY WORDS

терговчи, дастлабки тергов,  
прокурор назорати, суд  
назорати, терговчи  
мустақиллиги, тергов  
ҳаракати

### ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноят ишлари юритувида муҳим аҳамиятга эга бўлган жиноят процесси иштирокчиси сифатида терговчининг ҳуқуқий мақоми, унинг жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб боришдаги ўрни, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, исботлаш мажбурияти юклатилган мансабдор шахс сифатида терговчининг ваколатлари, унинг ўз ваколатларини амалга оширишда идоравий, прокурор ва суд назоратининг таъсири ҳам ўрганилган. Мақолада миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизнинг тегишли масала бўйича амалдаги ҳолати, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган ҳолда ўрганилган

Мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд-тергов соҳасига халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга мақсадида тергов органларининг жиноятларни тергов қилиш фаолиятида ҳам қатор ислохотлар ўтказилди. Жиноятчиликка қарши курашда терговчилар муҳим вазифани бажарадилар. Одил судловнинг таъминланишида ҳам уларнинг хиссаси мавжуд. Статистик маълумотларни ўрганадиган бўлсак, сўнгги икки йилда Республикаимизда рўйхатга олинган жиноятлар сони ўсаётганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 2019 йилда бу

кўрсаткич 46089 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 62081 тага етган. Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, унинг содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур чора-тадбирларни самарали ташкил этиш учун эса албатта, жиноят ишини юритишга масъул бўлган терговчиларнинг ваколатлари, вазифаларини таҳлил қилиш зарур ҳисобланади. Жиноят-процессуал қонунчилигимиздаги бир қанча нормалар мазмунидан кўриш



мумкинки, терговчи баъзи тергов ҳаракатларини ўтказишда далилларга баҳо бериш бўйича реал имкониятга эга эмас. У ўздан юқори турувчи тергов бўлими бошлиғи ёки прокурорга бевосита бўйсинади. Тергов фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш ва жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш масаласи бугунги кунда жуда долзарб. Жиноят иши бўйича процессуал қарор қабул қилиш учун эркин танлов ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги унга юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришда ҳам қийинчиликларни пайдо қилади.

Терговчининг мустақиллиги бузилишига баъзида уларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишади. Жиноят иши доирасида аниқланган ҳолатлар юзасидан ўзларининг қатъий ички ишончлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли улар прокурорнинг ёки тергов бўлими бошлиғининг оғзаки буйруқларига сўзсиз риоя қилишади. Бу эса мазкур тоифа терговчиларнинг бирорта масъулиятли қарор қабул қилишидан олдин юқоридаги мансабдор шахслар билан мастлаҳатлашиш каби норасмий амалиётнинг шаклланишига олиб келади.

Дастлабки тергов бўйича барча процессуал фаолият махсус мансабдор шахслар – терговчилар томонидан амалга оширилади. Қонун бошқа ҳеч қандай идора ва шахсларга тергов олиб бориш ваколатини бермаган. Прокурор бундан мустасно. Суриштирув органларининг жиноят иши бўйича суриштирувни бошлашлари (ЖПК 340-

модда) дастлабки тергов ҳисобланмайди. Жиноят-процессуал кодексининг 344-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин. Бу терговчилар процессуал жиҳатдан бир хил мустақилликка эга бўлиб, уларнинг ваколатлари фақат тергов қилинаётган ишларнинг тегишлилиги бўйичагина аниқ белгилаб берилади.

Бугунги кунда терговчиларнинг давлат аппарати тизимидаги ўрни масаласи юридик адабиётларда кўплаб мунозараларга сабаб бўлган. Дастлабки терговни ким олиб бориши керак, деган масала бўйича ҳам турли хил нуқтаи назарлар билдирилган. Бир тоифадаги муаллифлар барча терговчиларни прокуратура органларида мужассамлаштириш керак деса, иккинчи тоифадагилари – ички ишлар органларида ва учинчи тоифадагилари – махсус тергов органларида мужассамлаштириш керак деган фикрларни билдирганлар. Юқоридаги ҳар бир таклиф ҳам ижобий ҳам салбий томонларга эга. Айни пайтда қонун чиқарувчи орган тергов аппаратлари прокуратура органлари, ИИВ ва ДХХда фаолият юритиши лозим, деб топган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг



бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади. Терговчининг ҳуқуқий мақомини белгилашда унинг жиноят иши доирасида қандай вазифани ёки функцияни бажариши жуд муҳим. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда иштирокчилар кўйидаги учта асосий функциядан бирини ёки бир нечтасини бажаришади: ҳимоя, айбланиш ва ишни ҳал қилиш. А.П.Блинков ва В.М.Быковларга кўра, терговчи жиноят ишини тергов қилиш орқали фақат айблов функциясини амалга оширади. С.А. Шейферага кўра эса терговчи жиноят иши доирасида ундаги енгиллаштирувчи ҳолатларни ўрганиш орқали ҳимоя функциясини ҳам қисман бажаради. Чунки, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим. Жиноят процессининг функциялари жиноят-судлов иш юритиш иштирокчиларининг вазифаларини ва жиноят-процессуал фаолиятнинг йўналишларини белгилаб беради. У ўз навбатида мазкур иштирокчиларнинг зарур процессуал мақомини юзага келтиради. Давлатнинг ваколатли органлари ёрдамида жиноят содир қилган шахс аниқланади, унга расмий айблов эълон қилинади, улар ўз нуқтаи-назарларини далиллар ёрдамида асослаб берадилар. Шу тариқа айблов

фаолияти амалга оширилади. Бў ўринда асосий вазифани бажаридиган шахслардан бири терговчи ҳисобланади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, айнан айблов функцияси орқали шахснинг жиноят содир этишдаги айби фош этилади ва у жиноий жавобгарликка тортилади. Айблов функцияси муҳим процессуал аҳамиятга эга бўлиб, фақатгина процессуал қонунчилик билан тартибга солинишни тақозо этади. Айнан айблов функцияси орқали айбдор шахс аниқланади, ушбу шахс томонидан жиноий қилмиш содир қилинганлигини аниқлашга доир барча зарур ҳаракатлар амалга оширилади. Жиноят ишини юритишга масъул шахс сифатида терговчининг мутақиллиги жиноят-процессуал қонунчилигимизда мустаҳкамланган ва сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлардан кўришимиз мумкинки, тергов сифатини ошириш устувор йўналишлардан бирига айланмоқда.

ЖПКнинг 36-моддасида назарда тутилган терговчининг ваколатлари жиноят ишини кўзғатиш ва дастлабки терговни олиб бориш, тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни қамраб олган. Ушбу моддада аниқ кўрсатилмаган ваколатлар ЖПКнинг бошқа қисмларида кўзга ташланади. Уларнинг барчасини жамлаб таҳлил қилиб, бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, Н.А.Громов уни қуйидагича таснифлаган: а) жиноят ҳақида берилган хабар ва аризаларни кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш бўйича ваколатлар; б) жиноят иши доирасида исботлаш предметига кирувчи иш ҳолатларини аниқлаш билан боғлиқ



ваколатлар; с) жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни тергов қилиш бўйича ваколатлар; д) жиноят ишига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ваколатлар; е) суриштирув органларига топшириқлар бериш бўйича ваколатлар. Бошқа бир процессуалист олим О.М.Тарасова эса терговчининг ваколатларини бошқача гуруҳларга бўлиб таҳлил қилишни тавсия этади . Жумладан, берилган илтимосномаларни қаноатлантириш ёки рад қилиш масаласини ҳал этиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш масаласини ҳал этиш, тергов ҳаракатларини ўтказиш, жиноят ишини тугатиш. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, терговчи жиноят ишини

юретиш, терговни амалга ошириш жараёнида етакчи ўринни эгаллайди ҳамда исбот қилиш жараёнига масъул шахслардан бири ҳисобланади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига асосланиб айтиш мумкинки, дастлабки тергов ҳозирги кунда жиноятларни тергов қилишнинг асосий шакли бўлиб келмоқда ва фактларини батафсил, ҳар томонлама ва қатъий текширишдан иборат. Дастлабки терговни қатъий, ҳар томонлама, холисона ўтказиш лозим. У жиноятларни тўлиқ очиш, жиноятнинг барча иштирокчиларини аниқлаш ва топиш, иш учун керакли бўлган далилларни тўплаш ва текшириш, иш ҳолатларига аниқлик киритиш ҳамда айбсиз шахсларни асоссиз айбланишнинг олдини олишга хизмат қилади.